

---

## **„ ВАҚФ" СУВ МИНОРАСИ ЎРНАТДИ**

Қорасоқол ота зиёратгоҳининг таърифи республикамиздан ташқарида ҳам машҳур. Зиёратгоҳ йил ўн икки ой узоқ-яқиндан зиёратчилар келиб туришади. Зиёратгоҳ дастлаб жамоа хўжалиги, кейинчалик Қорасоқол қишлоқ йиғини, „ Олтин мерос" жамғармаси, маданий мерос инспекцияси, 2018 йилдан „ Вақф" хайрия жамоат фонди вилоят филиалига „ қарайди". Зиёратгоҳ „ эгаси" тез-тез алмашганиданми, бу ерда ободонлаштириш ишлари ҳам ўртача, 30 йилдан буён ичимлик суви ташиб келтирилади.

„ Вақф " хайрия жамоат фонди томонидан бу ҳудуддаги сув қудуғи тозаланиб, минора ўрнатилди. Зиёратгоҳ ҳудудига тоза ичимлик суви тортилиб, ўн жойидан сув чиқариб қўйилди. Буларнинг барчаси учун фонд томонидан 85 миллион сўм маблағ сарфланди.

Ўрнатилган сув минорасини ишга тушириш маросимида туман ҳокимлиги мутасаддилари, фонднинг республика, вилоят бошқаруви вакиллари, қишлоқ оқсоқоллари қатнашдилар.

Сув минорасидан ҳудудга ёндош 30 хонадонга тоза ичимлик сув тармоғи тортилади.

2023-05-31 16:50:15